


ТОШКЕНТ
ОҚШОМШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСIIY
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 9 (9.353) 2000 йил 21 январь, жума

Сотувда эркин нархда

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига унинг Ўзбекистон Республикаси Президенти юксак лавозимига қайта сайланганлиги муносабати билан хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукуматлари раҳбарларидан самимий дил изҳори билдирилган кутловлар келиши давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Фармонида кўра Навоий кон-металлургия комбинати "Дўстлик" ордени билан мукофотланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Бурхониддин ал-Марғиноний таваллудининг ҳижрий сана бўйича 910 йиллигини нишонлаш тўғрисида" қарор қабул қилди.

Республикамизнинг барча вилоятларида бўлиб ўтаётган фаоллар йиғилишларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган аниқ вазифалар таҳлил этилиб, белгиланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва савдо мажмуининг 1999 йил якунилари ҳамда галдаги вазифаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг йиғилиши бўлди.

"ЎзДЭАВТО" компанияси ISO 9001 сертификати кўлга киритди ҳамда МДХ давлатлари орасида халқаро сифат тизимидан фойдаланувчи енгил автомобиллар ишлаб чиқарувчи дастлабки корхона бўлди.

Кеча Тошкентда "Марказий Осиё оммавий ахборот воситалари: бугун ва эртага" мавзусидаги халқаро конференция ўз иштини бошлади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида республикадаги етакчи илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари ва йирик олий ўқув юртлиги ректорларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда фан ва таълимни интеграциялаш масалалари муҳокама этилди.

Андижон вилоятида Президент Ислам Каримов асарларини талабалар ва ўрта махсус ўқув муассасалари ўқувчилари ўртасида ўрганишга бағишланган кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Наманган вилояти болалари ва ўсмирлари учун вилоят халқ таълими бошқармаси муассислигида "Болалар дунёси" газетаси чиқарила бошланди.

"Тошкент" сейсмик станциясининг хабарига кўра, 19 январь кuni маҳаллий вақт билан соат 12 дан 10 дақиқа ўтганда Тошкентда ер қимирлади. Унинг маркази Тошкентдан 510 километр узоқликда, Афғонистоннинг Ҳиндукуш тоғларида бўлган. Тошкентда ер силқиниши кучи 2-3 баллини ташкил этган.

Ўзбекистон қаратма жамоаси Франция пойтахти Париж шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро турнирда иштирок этиш учун жўнаб кетди. Унда ўн бир нафардан иборат терма жамоамиз вакиллари юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

ЖАҲОНДА

Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги Факултетида ва Мухтор элчиси Т. Мамажонов ўриндошлик асосида Испания қироли Хуан Карлосга ишонч ёрлигини топширди.

Россия федерал қўшинлари Грозний марказига ҳаракатланиб боришда давом этмоқда. Жангарилар томонидан федерал қўшинлар гуруҳларидан бирининг қўмондони, генерал-майор М. Малофеевнинг ўлдирилганлиги ёки асирга олинганлиги тўғрисидаги хабарлар бор. Бундан ташқари Шимолий Кавказдан Москвага қайтиб келган Европа Кенгаши парламент ассамблеясининг раиси Р. Жонстон Чеченистон атрофидаги вазият ҳусусидаги унинг тасавури ўзгарганлигини айтиб, агар Москва жангарилар билан тинчлик музокараларини бошламас экан, Россиянинг Европа Кенгашига аъзолиги тўхтатилиши имкониятлари сақланажаклигини яна бир бор таъкидлади.

Қозғистон Бош вазир К. Тоқаевнинг Москвада олиб борган музокаралари якунида Россия билан Қозғистон ўртасидаги бир қатор ҳужжатлар, шу жумладан Бойкўнриг қосмодромидаги электр энергияси учун ва ундан фойдаланганлик қарзлари ҳусусидаги ҳужжатлар имзоланди.

Россиянинг биринчи Президенти Борис Ельцин яқин вақт ичида сўнги йилларда рўй берган воқеаларни ҳулосалайдиган китоби устидаги ишларни ёзишга киришади.

Кеча Вашингтонда Фаластин мухториятининг раҳбари Есир Арофат АҚШ Президенти Билл Клинтон билан музокара олиб борди.

Кеча Озарбайжонда 1990 йилнинг 20 январида юз берган фожиали воқеаларнинг қурбонлари хотирасига мотам ва хотира кuni деб эълон қилинди. Ушанда Халқ fronti фаолларининг чиқишларида сўнг Бокуга совет қўшинлари киритилган эди. Маълумки, ушанда 132 киши ҳалок бўлган ва 700 дан ортиқ киши жароҳатланган эди.

Покистоннинг собиқ бош вазир Навоз Шарифга қотиллик ва самолётни олиб қочишга уринганлик деган айб қўйилди. Бу ерда гап Навоз Шарифнинг Покистоннинг хозирги ҳарбий ҳукмдори генерал Первез Мушаррафнинг мамлакатга қайтиб келадиган самолётини қўндиришга рўхсат бермаганлиги ҳусусида бормоқда.

Россия ҳукумати илгари қатор қилинганидек "Мир" орбитал қосмик кемасини Тинч океанига қўқтириб юбормасдан яна ундан фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилди.


Филладельфия шаҳрининг "Пинк Бридж" санъат галереясида намойиш этилган ўзбекистонлик рассомлар Баҳодир Йўлдошев ва Анвар Мамажоновларнинг асарлари кўргазмаси америкаликлар орасида катта кизиқиш уйғотди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Филладельфиянинг таниқли жамоат арбоблари, Пенсильвания университети олимлари, санъатшунослар, ишбилармон доиралар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тожикистонда 1989 йилдан бери биринчи марта аҳолини рўйхатга олиш ишлари олиб борилмоқда. Бу тадбирни ўтказишдан кўзда тутилган асосий мудоао фуқаролар урушининг аҳоли ўсишига қандай оқибатлар келтирилганлигини билишдан иборат.

Европа Иттифоқи Чеченистоннинг тинч аҳолиси-га инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун 5 миллион евро ажратишга қарор қилди.

Аргентиналик машҳур футболчи Диего Марадонанинг довури бутун дунёга таралган. Унинг футбол майдонларидаги ҳар бир ўйини миллионлар қалбига олам-олам қувонч бағишлайди. Саудия Арабистонида ўтказилган махсус кўргазмали футбол ўрашувида қатнашганлиги учун мезбонлар катта илтифот кўрсатиб, Диего Марадонага олтидан ясалган қилич тақдим этдилар. Шу олтин қиличнинг қиймати 7 миллион 398 минг 677 долларни ташкил этади.

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС



Пойтахтимизда фаолият кўрсатиб, ўзининг рангли матбаа махсулотлари билан нафақат республикамизда, балки хорижда ҳам танилган, сифатли махсулотларини Марказий Осиё ҳамда Европа давлатларига экспорт қилаётган "Растр" Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси жамоаси ўтган йилни муваффақият билан якунлади.

Корхонада буюртма асосида 1000 турдан ортиқ матбаа махсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 500 миллион сўмлик махсулот тайёрланиб, 200 минг долларлиги қўшни давлатлар ҳамда Европа мамлакатларига экспорт қилинди.

Махсулотларимизнинг сифатли тайёрланишида цехларимизга ўрнатилган замонавий дастгоҳлар ва уларни моҳирлик билан бошқараётган малакали мутахассисларимизнинг ҳиссаси салмоқлидир.

дейти қорхона ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Қурбонғали Мадиев. — Албатта, бунинг учун ҳам ашё ҳам юқори сифатли бўлиши лозим. Ана шунда буюртмачининг талаби даражасидаги, жаҳон андозаларига мос матбаа махсулотлари чиқариш имконияти бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай буюртма сифатли даражада бажарилмоқда.

Корхона Германиянинг "Хейдельберг" фирмаси билан ҳамкорлигини йўлга қўйган бўлиб, фирманинг босма машиналари дунёда сифат жиҳатидан энг юқори ўринларда туради. Шу боис бўлса керак, қўшма корхонанинг махсулотларига ҳам талаб юқори бўлмоқда.

Ўтган йилда корхонада турли этикетка махсулотлари, хилма-хил картон қутичалар, блокнот, фахрий ёрлик, расм дафтарлари, китоб ва журналлар ишлаб чиқарилди. Пойтахтимизда ўтказилган "Ташаббус-98" кўрик-танловида эса меҳнат жамоасига "Энг кўп махсулот экспорт қилган қорхона" дипломи тақдим этилди.

Янги йилни ҳам қорхонанинг 125 дан зиёд ишчи-хизматчилари ўзгача гайрат билан бошлади. Уларнинг асосий мақсадлари мамлакатимизда матбаа саноатини ривожлантиришга мўносиб улуш қўиши, жаҳон андозаларига мос махсулотлар ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Қурбонғали Мадиев.



ри даражасида махсулотлар ишлаб чиқариб, хориж бозоридан ўз ўрнини топишди. Бугун ишлаб чиқарилаётган ҳар бир рақобатбардош махсулот ана шу мақсаднинг нишонасидир.

Дилфуза ҒАҒУРОВА. СУРАТЛАРДА: (юқорида) ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Қурбонғали Мадиев (чапда) оператор Орифжон Саидназаров билан компьютер цехида; (босма цехи ишчиси Абдуносир Абдушохидов янги дастгоҳни моҳирлик билан бошқармоқда (пасда).

Рустам Шарипов олган суратлар.

ЭРТАГА

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси ўз иштини бошлайди

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси биринчи йиғилишининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг биринчи йиғилиши 2000 йил 22 январь кuni эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари дикқатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 21 январь соат 9.00 дан 18.00 га қадар ва 22 январь соат 8.00 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар зали фойесига рўйхатга олинади.

Эл соғлиғи йўлида

ВАЗИФАЛАРНИ ҲИС ЭТИБ

Маълумки, пойтахтимизда грипп эпидемиясининг олдини олиш, касалликнинг кенг тарқалишига йўл қўймалик борасида зарур чора-тадбирлар кўрилмақда. Пойтахтимиздаги "Ўзкимфарм" ҳиссдорлик жамияти раиси Сайдўлла Асатов бу борада жамоада олиб борилаётган ишлар ҳақида қуйидагиларни баён қилди:

Халқимизда "Соғлигинг — бойлигинг" деган доно нақл бор. Чиндан ҳам саломатлик бўлса барча ишларимиз бароридан келади. Ҳиссдорлик жамиятимизда ана шу бебаҳо бойлик — эл-юрт саломатлигини сақлаш йўлида, уларга зарур дори-дармонлар етказиб бериш борасида масъулият билан иш юритилмоқда. Шу кунгача ва айни пайтда куз ва қиш фаслида кенг тарқаладиган грипп хасталигининг олдини олиш ва уни даволашда керакли бўлган дори-дармон во-

ситаларини ишлаб чиқаришга асосий эътибори қаратилмоқда. Шу кунлар мобайнида цехларимизда 100 минг дона дока никоблар тайёрланди. Бу грипп хасталигининг кенг тарқалмаслиги олдини олишда муҳим восита ҳисобланади. Шунингдек, аспирин, анальгин, димедрол, дибазол сингари дори-дармонлар, никотин кислотаси, қувватни ушлаб турувчи Б-6 витамини, рутин, фитин таблеткалари ишлаб чиқариш бирмунча кўпайтирилди. Новокаин эритмаси ҳам етарли миқдорда ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонамиз жамоаси ўз вазифаларини, масъулиятини чуқур анлаган, ҳис этган ҳолда меҳнат қилиб, грипп хасталигининг олдини олиш, унинг кенг тарқалишига йўл қўймалик, инсонлар соғлигини муҳофаза қилиш йўлида барча имкониятларини ишга солиди.

Шарофат ИЛҲОМОВА ёзиб олди.

(• Грипп хасталигининг олдини олишга бағишланган бошқа материалларни газетанинг иккинчи саҳифасида ўқийсиз).

Анжуманлар

"ТЕМПУС ТАСИС" ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА

2-Тошкент Давлат тиббиёт институтида "Ўзбекистон олий ўқув юртиларида замонавий бошқарув тизими тарққети" мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти ва ТАСИСнинг ўзбекистондаги мувофиқлаштирувчи бюроси ана шу анжуманинг ташкилотчилари бўлишди.

2-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг ректори, профессор Хамид Каримов ўзининг кириш сўзида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан аниқлаб берилган вазифалар асосида рақобатбардошли шифокор кадрларни тайёрлашни тақомиллаштириш учун

интилиш олий тиббиёт таълимини ангиллашга йўналтирилган олий ўқув юрти ўқув жараёнларига кўпгина ангилликларни олиб кирди. Лекин шифокорларни тайёрлашнинг барча босқичларида юксак таълим сифатини таъминлаш янада давом эттириш учун жаҳон тиббиёт университетларининг эришаётган ютуқлари ва қимматли тажрибаларига миллий маданиятимиз нуктаи назарини ҳисобга олган ҳолда таянмоқ даркор.

Бўлиб ўтган анжуман қатнашчилари ҳузурида Финлян-

дининг АБО Академик университети, Испаниянинг Гранад университети компьютер маркази ходимлари ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар. Шунингдек, улар "Темпус ТАСИС" дастурининг лойиҳа компанининг қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисидаги ахборотни, олий ўқув юртидаги компьютер технологияларини, Гранад университетида кутубхоначилик ишларини ташкил этилиши, шунингдек, Шарк-Фарб корпорацияси бўйича амалий маслаҳатларни ҳам қизиқиб тингладилар.

Кутбиддин НИЗОМОВ, 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг ассистенти.

Фан

ҲАМКОРЛИҚДА ЯРАТИЛГАН ҚЎЛЛАНМАЛАР

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетларида кўп ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Олий ўқув юртининг халқаро иқтисодий муносабатлар бўйича инглиз тили кафедраси йўли билан тайёрланаётган малакали ёш мутахассислардан бир нечтаси ҳозир чет мамлакатларда ўз фаолиятларини давом эттирмоқда. Кадрларнинг Американинг

Ўзбекистондаги элчихонаси ҳузуридаги ахборот агентлиги ҳамда Британия Кенгаши билан яқин алоқаси ҳам яхши самаралар бермоқда. Узаро ҳамкорликда ўтказилган халқаро илмий-амалий конференциядаги кафедра олимларининг илмий чиқишлари ҳам

юқори баҳоланди. Ана шу маърузалар асосида илмий тўплам босмага тайёрланди. Кафедра олимлари илмий ҳамкорлигида янги наشرларни чоп этиш устида ҳам самарали изланишлар олиб борилмоқда. Халқаро иқтисодий муносабатлар бўйича ёзилган инглизча-ўзбекча-русча сўзлағич лўғат китоби ҳам юзга келди.

Ҳозир кафедра кутубхонасида халқаро иқтисодий муносабатларга доир турли адабиётлар бор. Янги йилда бу наشرлар янада кўпайди. Американинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳузуридаги ахборот агентлиги ва Британия Кенгаши сый-ҳаракати билан бу китобларни Тошкентга келтириш имкони туғилди.

Ақбар АЛИЕВ.

"ОҚШОМ" — ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ

Обуна — йил бўйи

Кадрли муштарийлар! Сизларни ўзингиз севиб ўқийдиган "Тошкент оқшом" газетасига 2000 йил учун обуна ҳозир ҳам давом этаятганлигини дово қилишмоқдасиз.

Бинобарин, яхши аънаминизга содиқ қолиб "Оқшом" газетасига обунани ҳар ойнинг ўнинчи кунига қадар расмийлаштирсангиз олам гўлистон. Демак, сиз айни шу кезларда шахримиз алоқа бўлимакдасиз кириб "Тошкент оқшом"га обунани расмийлаштирсангиз ўзингиз севган наشري 1 мартдан бошлаб яна олаверасиз.

Шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, газетамизнинг 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган ўз ўқувчилари бор. Ана шундан

келиб чиққан ҳолда биз газета саҳифаларида уларнинг ёшларига ва касб-корларига оид мавзудаги ранг-баранг мақолаларни йил бўйи ёритишда давом этамиз. Бундан ташқари мамлакатимизда, шахримизда, жаҳонда рўй бераётган энг сўнги янгиликлардан ҳам биринчи бўлиб "Оқшом" газетасини ўқиб хабардор бўласиз. Ҳамшаҳарларимизнинг ташвиш ва муаммолари ҳам эътиборимиздан мутлақо четда қолмайди. Биз ана шундай муаммолар ечимига ёрдам берадиган мақолаларни муштарийларимиз диққатига ҳавола этамиз.

Маълумки, газетамиз ўзининг 34 йиллик фаолияти мобайнида муштарийларига манзур ва маъқул бўлиб келадиган рухнларни сақлаб келаётди. "Оз-оз ўрганиб доно бўлу..." "Диллаш..." "Маънавият", "Донишмандлар ҳазинасида", "Ҳаёт боғининг гуллари",

"Дам олиш оқшомиди", "Ҳаёт сабоқлари", "Мозий", "Саломатлик", "Муносабат" ва бошқа қатор рухнлар фикримиз дилидир. Бундан ташқари янги — 2000 йилда ҳам газетамиз ўз муштарийларига қатор янги рухнлар остида мақолалар чоп эта бошлади. "Мен кимман, қандай одамман?", "Шанбадан — шанбагача: мунажжим тавсиялари", "2000 — Соғлом авлод йили", "Бу ажиб дунё" ва яна қатор янги рухнлар ушбу фикримиз дилидир. Ана шундай рухнлар остидаги ранг-баранг мақолаларни йил давомида газета саҳифаларида чоп этамиз.

Хуллас, "Тошкент оқшом" йил бўйи сизнинг яқин ҳамроҳингиз, дилхаш суҳбатдошингиз бўлиб қолади. Шунинг учун имкониятдан фойдаланиб, унга обуна бўлсангиз асло ютқазмайсиз.





2000 — Соғлом авлод йили

ВАПААН ПАЯНЧИ



Кишилик жамиятида ҳаммиса аёлларнинг — оналарнинг ўз ўрни ва нуфузи бўлган. Утмишда ҳам ўлкамиз аёлларининг буюк шижоатли меҳнатлари, курашлари тарихимиздан маълумдир. Бугунги кўлга киритилган мустақиллигимиз кунларида эса аёлларимиз — оналаримизнинг асрлардан бери қилиб келган орзу-умидлари рўйбега чиқмоқда.

Улар ўз фуқаролик эрклари, ҳақ-ҳуқуқлари, бурчларига тўлиқ эга бўлаётганликлари ҳолда ҳаётимизнинг барча соҳасида беминнат, олижаноб хизматлари билан фаол иштирок этмоқдалар. Шу билан бирга уларнинг айниқса, оилада, оила ва бола тарбиясидаги битмас-туганмас ишлари алоҳида ҳурмат ҳамда аҳамиятга моликдир. Инсоннинг бошланғич аёлидир, унинг маънавий камолоти эса оиладан бошланади. Шу сабабли инсонни дунёга келтирувчи ҳам, оилани — оила қиладиган ҳам аёлидир. Инсонни онасиз, оилани аёлисиз мутлақо тасаввур этиб бўлмайди. Аёл оила кўри, оила рамзи, оила бешиги, уйнинг устундир. Устунсиз эса мустақкам уй ҳам, яхши оила ҳам бўлиши мумкин эмас.

Аёл — она оила ва фарзанд бахтидир. Ватанининг фахридир. Бугун эса оилада хос қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримизни тиклаш, маънавиятимизни шакллантириш ва янада ривожлантиришimiz йўлидаги вазифалар қонун асосида ҳал этилмоқда. Бу янги йил ҳам ўзининг муносиб номига эга бўлиб, тарихга кирди ва мақсад қилиб қўйилган ижобий, савобли ишларни амалга оширмоқда.

Юртбошимиз томонидан 2000 йил — Соғлом авлод

йили деб номлангани оидилана ва оқилона айтилган гап бўлди. Президентимизнинг қуйидаги фикрлари эса бунинг яққол ифодасидир: «Соғлиғи ноҳор, ҳурланган, изтироб чеккан онадан соғлом фарзанд туғилмайди. Шу маънода, аёлларни, оналарни асраш керак дегани — фарзандларни асраш, наслини асраш, охири-оқибатида миллатни асраш демакдир».

Бугунги кунда, айниқса, янги баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасида қўйилган. Бу эвавал оила тарбиясидан бошланади. Оила — инсон камол топадиган, ўзлигини англайдиган муқаддас даргоҳ.

Шундай экан, оилада янги баркамол соғлом авлодни шакллантириш, тарбиялашда ҳамда вояга етказишда ота-онанинг, айниқса онанинг роли, ўрни, хизмати бениҳоя муҳимдир. Чунки бола таваллуд топганидан бошлаб шундай му-

ҳитида ўсади, камолга етади. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар ёшлар зувазласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали ўз ҳаётий талабларини англайди ва ҳис этади. Оилада маънавий ахлоқ эса муҳитни яратди, бунда нозик елкаларда ҳаётнинг ва рўзгорнинг тоғдек юкларини кўтаридиган оила бошлиқлари — ота ва онанинг ўрни муҳимдир. Фарзанднинг ким бўлиб етишиши, ҳаётида ўз ўрнини топа оладими ёки ёмонлар сафига қўшилидими — бунинг асосий бошланғич сабабини оиладан деб тушуномқ керак.

Дарҳақиқат оила муқаддас бошланғич Ватан экан, баркамол, ватанпарвар эл фарзандларини тарбиялаш ҳамда камолга етказишда қуйидаги энг асосий йўналишларга диққат-эътиборимизни қаратишимиз даркор:

1. Оиладаги оилавий

ҳуқуқ ва бурч масаласини фарзандларга сингдиришдан аввал ҳар бир оила, ота-она ўзларининг ҳуқуқ ва бурчларини яхши англаб, унга риоя қилишлари шарт.

2. Ота-оналар, оила бошлиқлари ўз ҳуқуқ-атвори, яшаш шароитлари билан фарзандлари ҳурматида сазовор бўлишлари, уларга ҳаётини эзгу ишлари билан ўрнак бўлишлари шарт.

3. Фарзанд улғайгани сари ўз ҳаётини саволларига жавобни ота-онани, катталардан оладими, шунинг учун улар ўз фарзандларини чексиз муҳаббат орқали тўғри тарбиялаб, энг яқин дўсти, маслаҳатчи бўлишлари жараёнида уларни камолотга етиб, чин инсон бўлиб ҳаётга йўл олишларига олиб келади.

4. Ўз фарзандларига тўғри тарбия берган ота-она уларни оиладаги ижобий турмуш ва оилавий бюджет билан тўғри таништириб боришлари, уларни меҳнатсевар,

ҳалол ва покка яшаш, меҳрибон, инсонга ғамхўр. Ватанга муҳаббат ва салоҳат туйғуси ила тарбия қилсалар, яхши фарзандлар камол топади, улардан ота-оналар ҳам, эл-юрт ҳам баҳраманд бўлиши, фахрланидир.

5. Ёшлардан яхши тарбия олмаган, ёмон оилада шаклланган, биронинг етакчилишига ўрганиб қолган, фақат еб-ичиб, кийиниб юрган текинхўр фарзанд эса ҳаётда ҳам биронинг ёрдамига қўз тикади, боқиманда бўлиб қолади, муҳтожликка қолиши ва ҳатто жиноятга ҳам қўл уриши мумкин.

6. Фарзандларнинг кинотеатрга бориши, телевизор кўриши, китоб ўқишига ўргатиш, тўй-маросимлар, йиғинларда, меҳмондорчиликда қатнашишини, жамоа орасида ўзларини тута билиши, яхши тенгдошлари билан дўстлашиши, замонавий, аммо оила шароитига оид тўғри қийинчилик, инсонга, атроф-муҳитга ҳурмат ва эҳтиромга ўргатиш, жисмонан бақувват ўстириш зарурдир.

7. Фарзандларни яхши ўқишга, бирор бир замонавий, ҳаётини касб-ҳунарни эгаллаб, ҳаётда ўз ўрниларини тўғри топа оладиган йўналишларни бера олишлари муҳимдир.

8. Қанчалик адолатли қийинчиликлар билан фарзандлар ҳаёт талабларини ва қувончларини ўзлари англаб сезсалар, шунчалик уларда ота-онага, яқинларига, элига, Ватанга нисбатан меҳри ва ишонч янада ортади ва мустақкам бўлади.

Соғлом авлод — Ватан бойлиги. Шундай экан, оилада келажакимиз мевадари бўлиши фарзандлар билан янада кўпроқ шуғулланишимиз, масъулиятини чуқур ҳис қилишимиз шарт.

Турсунбой ЮНУСОВ, Мавжуда Зиямухамедова, Тошкент молия институти доцентлари.

Муруват МЕХР УЛАШИЛДИ

Пойтахтимиздаги Миробод тумани ижтимоий-таъминот бўлимида кесалларга, муҳтож кишиларга, ногиронларга кўмак бериш, уларни ижтимоий жаҳдан қўллаб-қувватлаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

«Халқимизда «Саховатнинг олти дарвозаси бор» деган аjoyиб нақл бор», дейди тумани ижтимоий-таъминот бўлими мудири Раҳманбек Салимов. — Ана шунга амал қилган ҳолда иш юритиб, кесалар ва ногиронлар қалбига меҳр улашиб, дардларига малҳам бўлишга интилоқимиз. Утган йилда ногиронларга, ҳам таъминланган ва муҳтож оилаларга 4 миллион 972 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Айниқса, Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Соғлом авлод йилининг биринчи ўн кунлиги муруват ўн кунлиги деб эълон қилиниши ижтимоий-таъминот бўлими ходимлари зиммасига ҳам масъулият юклатди. Улар Республикада ижтимоий-таъминот вазирлиги, шаҳар ижтимоий-таъминот бошқармаси, туман ҳокимлиги, оталиқ ташкилотлар, ҳомиёлар ва жағғармалар кўмагини фойдаланиб, бу ибратли тадбирни ҳам ушқоқлик билан ўтказдилар.

Ўтказилган меҳр-муруват тадбирларида туман маҳаллаларидаги қариялар, ногиронлар ва муҳтож оилалар аниқланиб, уларга кийим-кечаклар, қўлтиқтаёк ва эшитиш мосламалари тарқатилди.

Шунингдек, 43 минг сўм пул пенсиясизларнинг пенсияларига қўшиб берилди. 2000 нафар болага туман ҳокимлиги ва ижтимоий-таъминот бўлими томонидан Янги йил совғалари тарқатилди. Бу саховатдан одамларнинг кўнгли тоғдек кўтарилди, болажонлар эса бир оила завоққа тўлдилар. Бу билан уларнинг юзларига нур, кўнглига меҳр улашилди.

Шарифа ИЛЁСОВА.

Саломатлик

сифатида ҳозирги кунда бу касаллиқнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида ҳам гапириб берсангиз.

— Яқинда Соғлом авлод йили муносабати билан «Экосан» жағғармаси томонидан ишлаб чиқилган «Соғлом муҳит — соғлом авлод гарови» дастурини амалга ошириш мақсадида «Экосан» халқаро жағғармасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда «Грипп касаллигининг олдини олишда жамоатчиликнинг роли» мавзuida анжуман ўтказилди.

Анжуманда шахримиздаги мактаблар ва мактабга тарбия масканларига, шунингдек, шифохоналарга «Полисепт» дезинфекциялаш воситаси тақдим қилинди. Грипп касаллигининг олдини олиш учун жами 5 миллион сўм миқдоридан сувнинг биоэлектр фаоллигини оширувчи «Эсперо-6» мосламаси ва 8 миллион сўм миқдоридан «Полисепт» дезинфекциялаш воситаси шифохоналар, болалар муассасаларига инсонпарварлик ёрдами сифатида тарқатилди.

Илғилиш қарори бўйича ҳозирги кунда шахримиздаги олий ўқув юртилари талабаларидан ташкил топган санитария-эпидемиология отрядлари кенг аҳоли ўрта-сида гриппнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида тушунириш ишлари олиб бормоқдалар.

Сўхбатдош Дилором ИКРОМОВА.

Шарқона муолажалар

ди. Бинобарин, «Халқ соғлиғи — юрт бойлиги» деганларидек, танамиз соғ бўлса ишимиз ҳам унумли бўлади. Айни шу киш кезларда орамизда кимдир бироз грипп хасталигига чалинган бўлса пойтахтимиздаги қўллаб-тиббийт масканлари, бу масканларда, ишлаган ширинсуз шифокорлар улар хизматида бўлишарди.

Биз шифокорларнинг, дори-усулларнинг грипп хасталигини даволаш хусусидаги маслаҳатларини ва мақолаларини газетанинг навбатдаги сонларида ҳам мунтазам ёритиб бораверамиз.

ГРИППДАН ЖУДА ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Ҳозир айни қиш чиласи пайтида ўткир вирусли грипп касаллиги кўпаймоқда. Айни кунларда ҳоржийи мамлакатларда нафас йўлларидаги ўткир юқумли касалликлар ва грипп касаллиги тарқалаётганлиги, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 14 январда қабул қилган 18-Ф фармойиши муносабати билан биз Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг катта ўқитувчиси Абдуваҳхоб Тоҳирий билан учрашиб, унга бир неча саволлар билан муружаат қилдик.

— Абдуваҳхоб ака, грипп касаллигининг соғ одамга қандай юқиши ҳамда унинг биринчи белгилари ҳақида гапириб берсангиз.

— Грипп ўткир, тез юқадиган касаллик бўлиб, уни жуда маълум кўзга қўйинмайди, ҳатто филтёрдан ҳам ўтувчи вируслар чақиради. Бемор йўталганда, аксирганда, гаплаганда сулак томчилари билан ҳавога қўйлаб грипп вирусларини ажратди. Вируслар ҳавода уй соатга сакланиб туриши мумкин. Грипп вируси ифлосланган ҳаводан нафас олиш натижа-сида соғлом одамга юқди. Грипп вируси оғиз, бурун, томоқ ва юқори нафас олиш йўллари шиллик пардасига таъсир этади ва кон оқимида тушиб бугун организмни заҳарлайди. Нафас, асаб, қўлларни тез-тез совутиб бошқа аъзоларга шикаст етказди.

Грипп касаллигининг биринчи белгилари пайдо бўлганда қадар бир неча соатдан уй кунгача вақт ўтади. Касаллик шиддат билан бошланади, беморнинг тинкаси қурийдик, боши оғрийди, йўталди, ака уради, тана ҳарорати 38—40 даражага кўтарилади, бемор кўп терлайди, мушаклари ва кўз атрофида оғриқ пайдо бўлади, кўздан ёш оқади. Касаллиқнинг биринчи белгилари пайдо бўлиши билан оқимда тушиб шифокорга муружаат қилиш лозим. Агар ҳолда касаллик турли оғир асоратлар қолдириши мумкин.

— Грипп касаллигидан ҳимояланиш йўллари ва ундан сақланиш учун нима-ларга эътибор бериш лозим бўлади?

— Агар бемор уй шароитида қолдирилган бўлса, уни алоҳида хонага ётқизиб, беморга алоҳида идий, сочик ўрин-қўрпа ажратиб лозим. Беморга қараётганда бурун ва оғизга доқали нибоб тўсиш, қўлларни тез-тез совутиб ювиб туриш керак. Бемор йўталганда ва аксирганда оғиз-бурунни дастурмол билан тўсишини таъкидлаш зарур. Доқали нибоб ва дастурмолларни тез-тез алмаштириб 0,5 фойзли хлорамин эритма-

ланади, беморнинг тинкаси қурийдик, боши оғрийди, йўталди, ака уради, тана ҳарорати 38—40 даражага кўтарилади, бемор кўп терлайди, мушаклари ва кўз атрофида оғриқ пайдо бўлади, кўздан ёш оқади. Касаллиқнинг биринчи белгилари пайдо бўлиши билан оқимда тушиб шифокорга муружаат қилиш лозим. Агар ҳолда касаллик турли оғир асоратлар қолдириши мумкин.

— Грипп касаллигидан ҳимояланиш йўллари ва ундан сақланиш учун нима-ларга эътибор бериш лозим бўлади?

— Агар бемор уй шароитида қолдирилган бўлса, уни алоҳида хонага ётқизиб, беморга алоҳида идий, сочик ўрин-қўрпа ажратиб лозим. Беморга қараётганда бурун ва оғизга доқали нибоб тўсиш, қўлларни тез-тез совутиб ювиб туриш керак. Бемор йўталганда ва аксирганда оғиз-бурунни дастурмол билан тўсишини таъкидлаш зарур. Доқали нибоб ва дастурмолларни тез-тез алмаштириб 0,5 фойзли хлорамин эритма-

сиди ювиб, дазмоллаб тутиш тавсия этилади. Шунингдек, бемор ётган хонани тез-тез шамоллатиб, исирик тутатиш лозим. Беморнинг ҳарорати кўтарилган вақтда унга кўпроқ оксиген, углеводлар витамин-ларга бой сувюқ овқатлар, қуруқ мева-лар қайнатмаси, мева шарбатлари, лимонли чой ичириш фойдалидир.

Грипп касаллигидан сақланиш учун қўнча чиқиб олдиндан бурунга оксиген мазидан сурқаш, ремантиндин таблетка-сидан кўнча икки маҳал ичиш ҳамда интерферон сувюқлигидан бурунга томизиш зарур. Тоза ҳавода кўпроқ юриш, со-вук қўтмаслик, оёқни қуруқ ва иссиқ тутиш, одамлар кўп йиғилган жойларга боришни вақтинча қисқартириш тавсия этилади. Бемор олдида ёш болаларни йўталмаслик, агар болаларда касаллик белгилари пайдо бўлса зинҳор боғча ва мактабга юбормасдан шифокорга муружаат қилиш керак.

— Сиз халқаро «Экосан» жағғармаси қошида ўтказилган грипп касаллигининг олдини олишга бағишланган анжуман иштирокчиси

Грипп хасталигига чалинган одамнинг оила аъзоларига юқмаслиги учун уйда ўтиб қолганда муолажаларни шифокорлар ҳам, набот одамнинг муассасаси бўлган дори-усуллар ҳам кўп бор тавсия этадилар. Бинобарин, бундай муолажаларнинг беморнинг ўзи ҳам ёки унинг оила аъзолари ҳам осонликча бажарса бўлади.

Масалан, бемор ётган хонани тез-тез шамоллатиб туриш айтилмоқда. Бундан ташқари грипп билан хасталанган кишиларнинг идиши-товоқлари ало-

ХАЛҚ ТАБОБАТИ УСУЛИДА

ҳида бўлгани нур устига аъло нур бўлади. Қадимдан ота-боболаримиз исирикнинг фойдаси ҳақида кўп ва ҳўп гапириб келишган. Бемор ётган хонага исирик тутатиб туриш ҳам айтилмоқда. Бундан ташқари сувюқлик моддаларини кўпроқ истеъмол қилиши керак.

Чойлар, турли хил шарбатлар, малина қўшилган чойлар ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

«Тошкент оқшом» газетаси саҳифаларида биз гриппдан эҳтиёт чоралари ҳақида туркум мақолалар бериб бормоқдамиз. Бундай хайрли ишимиз яна давом этавера-

Тарихимиз чуқур илдиз тасмасида бунёд этилган тақдорларимиз, ҳашаматли макбарою мадрасалар, миноралар ишчилар ўз ўрни, салохияти билан, шарқоналиги, меъморий ва конструктив ечими юқорилиги билан яққол ажралиб турибди ва том маънода юртимиз келажакимиз порлоқлигини аён этиб турибди.

Маълумотларга қараганда, мамлакатимизда 60-йилларда 30 мингта тарихий обидалар бўлган бўлса, 1980 йилга келиб уларнинг сони 10 мингта, 1990 йилга келиб эса 7000га яқини ташқил этган.

Тарихий обидаларни сақлаш ва таъмирлаш борасида республикамиз мустақилликка эришгандан бундан бир қанча ишлар амалга оширилди. Бунга 1996 йили Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигини ўтказиш тадбирларини мисол келтириш мумкин.

Биринчилардан Европа мамлакатлари ичида Ўзбекистонда тарихий обидани тўлиқ таъмирлаш бўйича Германия ҳукумати томонидан ажратилган маблағ билан ишлайдиган «Хунармандчилик ва тарихий обидаларни сақ-

Саноат ДАСТУРХОН ФАЙЗИ

Пойтахтимизда 5 йилдан бунён фаолият кўрсатаётган «Дероз» хусусий корхонаси жамоаси ҳамшаҳарларимиз дастурхонига ўзининг ажойиб ширинликлари билан фойз киритишмоқда. Корхонанинг 30 нафарга яқин ишчи-хизматчиси ана шу ниятда меҳнат қилиб ўзимизнинг ҳамда хориждан келтирилган хом ашёдан турли хил қандолат маҳсулотлари тайёрламоқдалар. Хилма хил қандолатлар, рачки, шоколад ҳамда вафлилар ҳамшаҳарларимиз дастурхонига ўзгача фойз бағишлайди. Пойтахтимиздаги дўконларда замонавий дастгоҳларда тайёрланган янги маҳсулотлар харидорларга тортиқ этилмоқда. Шундай маҳсулотлардан кўнча 1,5—2 тонна тайёрлашга эришилмоқда.

100 ФОЙЗИ ЭКСПОРТГА

Шаҳримиздаги «Чагла» кўшама корхонасида ишлаб чиқарилаётган турли хил либосларнинг 100 фойзи хорижга экспорт қилинмоқда. Ушбу кўшама корхонада юртимизда пахта толасидан ишлаб чиқарилган хом ашёдан 50 турдан ортиқ аёллар, эркаклар ва болалар кийим-кечаклари тикилади. Утган йили 800 минг долларлик тайёр кийим-кечаклар Америка ҳамда Германия давлатларига сотилди. Корхона чеварлари томонидан тикилган бежирим ва сифатли спорт костюмлари ва аёллар шим-лари ҳам ўз харидорини топмоқда. Жорий йилда корхонада тайёрланган 2 миллион долларлик маҳсулот хорижга экспорт қилинади.

БОЛАЛАР УЧУН

«Туфин» ўзбек-исроил кўшама корхонасида тайёрланаётган ширинликлар ҳамшаҳарларимиз томонидан севиб харид қилинмоқда. Бунинг боиси унинг сифати ва мазасида, албатта. Корхона ишчи-хизматчилари утган йили 650 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлдилар. Ҳозирда эса гумбаз ёни ва макбараси атрофида нам ўтказишга қарши ишлар олиб боришмоқда.


1998 йилнинг сентябрь ойида Тошкентда немис элчихонасида ва Самарқандда Шох Зинда мажмуасида бўлиб ўтган Шоди Мулк оға макбарасини таъмирлаш бўйича тақдимномада ЗНД раҳбари, профессор М. Гернер ўзбек-немис кооперациясининг олиб бораётган ишларини нафақат муваффақиятли, балки дўстона иқлим шароитида бораётганини ҳам алоҳида таъкидлаб, ўзбек таъмирчиларининг ишларига юқори баҳо берди.

Келажикда ТАҚИ қошида Веймар «Ваухаус» университети билан биргаликда ўзбек-герман қурилиш факультетини ташкил этиш режаси келишиб олинди. Бунда мутахассислик бўйича муҳандис-қайта тикловчиларни ҳам тайёрлаш кўзаланди.

Юқорида зикр этилган ўзбек-немис ҳамкорлигининг кейинги босқичида Ички қалъа тарихий-меъморий ёдгорликларидан бирини таъмирлаш учун асосланган лойиҳа-буржорта тайёрланган ва яқин келажикда Ўзбекистонда немис марказининг филиали ташкил этилиши мўлжалланган.

Абдуқобил ТўЛАГАНОВ,

Тошкент архитектура ва қурилиш институти лабораторияси мудири, лойиҳа мувофиқлаштирувчиси, техника фанлари номзоиди.



Юнусобод туманида жойлашган 499-болалар боғчаси тарбияланувчилари «Қиш манзаралари» мавзuida ажойиб суратлар чизишди. Устозлари Муборак Абдурахмонова болажонларни ана шундай суратларни чизишга ўргатди.

Равиль Албеков олган сурат.

123456